

**2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да
 амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар ижроси тўғрисида
 ТАҲЛИЛИЙ МАЪЛУМОТ**

T/ p	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизмлари	Амалга ошириш шакли	Муддати	Амалга ошириш харажатлари (молиялаштириш манбалари)	Назорат қилувчилар	Ижро ҳолати
I. ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА ЭРКИН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ							
6-мақсад: Давлат бошқаруви тизимида маъмурий аппаратни ихчамлаштириш ва иш жараёнларини мақбуллаштириш							
1	11. Давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш орқали иш жараёнларини мақбуллаштириш.	Давлат бошқаруви органлари кесимида давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш бўйича чора-тадбирлар дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2023 йил ноябрь		Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ш. Кудбиев, Адлия вазирлиги А. Ташкулов	БАЖАРИЛМОҚДА. Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш бўйича чора-тадбирлар дастури лойиҳасига таклифларни тақдим қилиш юзасидан вазирлик ва идораларга Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2023 йил 6 мартдаги 33/3-02042-сонли хати юборилган. Бугунги кунда вазирлик ва идоралар таклифлари умумлаштирилган ҳолда таҳлил қилинмоқда. Ҳозирда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат функция ва хизматларини амалга ошириш жараёнларига хусусий секторни кенг жалб этишни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, унда мавжуд бўлган таклифларни такомиллаштириш ишлари амалга оширилмоқда.
9-мақсад: «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш, электрон давлат хизматларининг улушини 100 фоизга етказиш ҳамда бюрократияни бартараф этиш							
2	15. Фуқаролар ва давлат идоралари ўртасидаги муносабатларда ортиқча бюрократия ҳолатларига барҳам бериш ишларини давом эттириш.	4. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига субсидия ажратиш билан боғлиқ барча хизматлар босқичма-босқич ягона электрон платформага ўтказиш ҳамда субсидияларни ажратишнинг мақсадга мувофиқлигини электрон	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил август	Ҳисоб-китобларга кўра	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ш. Кудбиев, Адлия вазирлиги А. Ташкулов, Рақамли технологиялар вазирлиги Ш. Шерматов	БАЖАРИЛМОҚДА. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига субсидия ва компенсация тўлаш тизимини янада соддалаштириш ҳамда ушбу жараённи автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (ID-78876) Фармони

		платформа орқали онлайн текшириш тизими йўлга қўйиш.					лойиҳаси ишлаб чиқилиб, вазирлик ва идоралар билан келишиш жараёнида. Фармон лойиҳасида қуйидагилар назарда тутилмоқда: 2023 йил 1 ноябрдан 2024 йил 1 июлга қадар аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган 92 турдаги субсидияларни босқичма – босқич Ягона электрон платформа билан қамраб олиш; Ягона электрон платформага 15 та вазирлик, идора ва ташкилотларнинг ахборот тизимлари ва маълумотлар базасига интеграция қилиш орқали 20 дан ортиқ ҳужжат ва маълумотларни қоғоз шаклида талаб этиш (сўраб олиш) амалиётини бекор қилиш; Фойдаланиш даражаси паст бўлган ёки фойдаланилмаётган, шунингдек самарасиз 37 турдаги субсидияларни 2023 йил 1 июлдан бошлаб ажратиш ва тўлаш амалиётини бекор қилиш. Шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига етказиб берилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) учун таъминотчи ва учинчи шахсларга субсидияларни олдиндан тўлов сифатида ўтказиб бериш ҳамда давлат органлари томонидан аҳолига субсидия сифатида асбоб-ускуна (меҳнат куролларини) етказиб бериш амалиётини бекор қилиб, субсидияни қаноатли тўланиши тўғрисида билдиришнома тақдим этиш тизимини жорий этиш белгиланмоқда.
3	16. Электрон давлат хизматларининг улушини 55 фоизга етказиш.	3. Қуйидаги давлат хизматларини Давлат хизматлари маркази ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатишни йўлга қўйиш: кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш учун онлайн ариза тизимини жорий этиш; спорт турлари бўйича спорт унвонлари ва спорт разрядларини бериш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил июнь		Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ш. Кудбнев, Адлия вазирлиги А. Ташкулов, Рақамли технологиялар вазирлиги Ш. Шерматов Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги А. Икрамов	БАЖАРИЛГАН а) 1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан Вазирлар Маҳкамасининг “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга ижтимоий нафақалар тайинлаш бўйича электрон кўринишда ариза беришни жорий этиш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси (ID-78645) ишлаб чиқилган (кейинги ўринларда – қарор лойиҳаси). 2. Қарор лойиҳаси 2023 йил 14 апрелда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимига

							(project.gov.uz) идоравий келишув учун жойлаштирилди. 3. 20.04.2023й. Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан (эътирозларсиз) келишилди. 4. 26.04.2023й. Рақамли технологиялар вазирлиги билан (таклифлар билан) келишилди. 5. 28.04.2023й. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан (таклифлар билан) келишилди. 6. 8.05.2023й. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан (таклифлар билан) келишилди. 7. 11.05.2023й. жамоатчилик муҳокомасига жойлаштириш учун Адлия вазирлигига киритилди. 8. 13.05.2023й. қарор лойиҳаси (ID-79909) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига жамоатчилик келишуви учун жойлаштирилди. Маълумот учун: ҳозирги кунда жамоатчиликдан таклиф ва эътирозлар келиб тушмаган. 9. 28.09.2023й. жамоатчилик келишуви якунланади ва қарор лойиҳаси жамоатчилик таклифларидан келиб чиқиб, 31.05.2023й. юридик ҳулоса олиш учун Адлия вазирлигига киритди. 10. Қарор лойиҳаси Иқтисодиёт ва молния вазирлиги томонидан 2023 йил 23 июнда белгиланган тартибда 31/1-11579 сонли хат билан Вазирлар Маҳкамасига киритилди. б) 1. Вазирлар Маҳкамасининг “Спортчиларга спорт унвонлари ва спорт разрядларини бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси (ID-79960) ишлаб чиқилган (кейинги ўринларда – қарор лойиҳаси). 2. Қарор лойиҳаси 2023 йил 11 майда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимига (project.gov.uz) идоравий келишув учун жойлаштирилди.
--	--	--	--	--	--	--	--

							3. 19.05.2023 й. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан (эътирозларсиз) келишилди; 4. 24.05.2023 й. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан (эътирозларсиз) келишилди; 5. 26.05.2023 й. Мудофаа вазирлиги билан (эътирозларсиз) келишилди; 6. 26.05.2023 й. Рақамли технологиялар вазирлиги билан (таклифлар билан) келишилди; 7. 29.05.2023 й. Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан (эътирозларсиз) келишилди; 8. 29.05.2023 й. Ички ишлар вазирлиги билан (эътирозларсиз) келишилди; 9. 30.05.2023й. қарор лойиҳаси (ID-79960) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига жамоатчилик келишуви учун жойлаштирилди. Маълумот учун: ҳозирги кунда жамоатчиликдан таклиф ва эътирозлар келиб тушмаган. 10. 31.05.2023й. Лойиҳани ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун Адлия вазирлигига киритилди. 11. 22.06.2023й. Лойиҳа Адлия вазирлиги томонидан эътирозлар билан келишилди. 12. Қарор лойиҳаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги томонидан 2023 йил 13 июн куни 01-01/30/6238-сонли хати орқали Вазирлар Маҳкамасига киритилди.
II. МАМЛАКАТИМИЗДА АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ВА ЗАРУР ШАРТИГА АЙЛАНТИРИШ							
14-мақсад: Қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсон кадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгилаш							
4	27. Айрим тоифадаги жиноий қилмишлар учун жавобгарликни либераллаштириш.	1. Учувчисиз учадиган аппаратларни, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш ҳаракатларини биринчи марта содир этганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш.	Қонун лойиҳаси	2023 йил июль		Божхона қўмитаси А. Мавлонов, Бош прокуратура Н. Йўлдошев, Давлат хавфсизлик хизмати А. Азизов, Ички ишлар вазирлиги П. Бобожонов,	БАЖАРИЛГАН Ушбу топшириқ ижроси юзасидан “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қонун лойиҳасида: Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига учувчисиз учадиган

		2. Ушбу тоифадаги ҳуқуқбузарликлар учун Жиноят кодексида белгиланган санкцияларга муқобил жазо чораларини киритиш.				Олий суд Б. Исламов, Адлия вазирлиги А. Ташкулов, манфаатдор вазирлик ва идоралар	аппаратларни, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини қонунга ҳилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш ҳаракатларини содир этганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи норма (1892-модда); Жиноят кодексининг 2444-моддаси биринчи қисмида белгиланган ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса, жиноий жавобгарликни келтириб чиқаришини назарда тутувчи норма; Жиноят кодексининг 2444-моддасида белгиланган санкцияларга муқобил жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш каби жазо турларини киритиш назарда тутилган. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2023 йил 20 майдаги 28/6-08248-сон хати билан Ўзбекистон Республикасининг "Айрим тоифадаги жиноий қилмишлар учун жавобгарлик либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасига киритилди.
--	--	--	--	--	--	--	--

III. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЮҚОРИ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

21-мақсад: Иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни — 1,6 баробар (1750 доллардан 2800 долларга) ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» каторига кириш учун замин яратиш							
5	40. Иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш.	1. 2023 йилда иқтисодий ўсиш суръатлари 5,3 фоизда бўлишини таъминлаш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил давомида		Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ш. Кудбиев, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Л. Кудратов Марказий банк М. Нурмуратов, манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,	БАЖАРИЛМОҚДА. 2023 йил учун белгиланган иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш мақсадида, қуйидагилар амалга оширилмоқда: 1. 2023 йилда нархларнинг муттасил ўсишининг олдини олиш, аҳолининг харид қобилиятини сақлаб қолиш, шунингдек,, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва миллий валютага бўлган ишончни мустаҳкамлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 27 февралдаги “Ички бозорда нархлар барқарорлигини сақлаш ва аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат”

						вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари	маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги 85/10-сон қарори қабул қилинди; 2. Ҳаво ҳароратининг кескин совиб кетиши оқибатида қийинчиликларга дуч келган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва фаолиятини жадал қайта тиклаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 3 февралдаги “Ҳаво ҳарорати кескин совиб кетишининг иқтисодиётга салбий таъсирини камайтириш учун тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-43-сон қарори қабул қилинди; 3. Вазирлик томонидан “2023 йилда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар” лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига 2023 йил 30 мартдаги 14/1-03910-сонли хати билан киритилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари томонидан (Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 10 майда 03/1-410-сон) “2023 йилда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар” тасдиқланди. 4. Жаҳон банкининг DPO-6 дастури доирасида қарз маблағларини жалб қилиш учун Жаҳон банки экспертлари билан ҳамкорликда ислохотлар матрица лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Бунда, 2023-2024 йилларда амалга оширилиши белгиланган кенг қамровли чора-тадбирлар назарда тутилмоқда.
6		3. Давлат қарзини бошқаришда йиллик янги жалб қилинган ташқи қарз миқдори 4,5 млрд доллардан ошмаслигини таъминлаш. Бунда, давлат ташқи қарзи маблағларини асосан муҳим ижтимоий соҳа ва	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил давомида		Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ш. Кудбиев, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Л. Кудратов, манфаатдор вазирлик ва идоралар	БАЖАРИЛМОҚДА. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Давлат қарзини бошқаришда йиллик янги жалб қилинадиган ташқи қарз миқдори 4,5 млрд доллардан ошиб кетмаслигини назоратга олган ҳолда, Вазирлик томонидан давлат ташқи қарзи маблағларини асосан муҳим ижтимоий соҳа ва инфратузилмани

		инфратузилмани ривожлантиришга йўналтириш.					ривожлантиришга йўналтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Жорий йилнинг 24 июнь ҳолатига инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун 2,1 млрд. АҚШ долл. ва бюджетни қўллаб-қувватлаш учун 150 млн. АҚШ долл. миқдорида ташқи қарз маблағлари жалб қилинган.
26-мақсад: Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш							
7	76. Инвестиция дастурларини маҳалла даражасига тушириш ва маҳаллаларнинг молиявий ваколатларини кенгайтириш.	Маҳалла ўз муаммоларини мустақил ҳал этиши учун «Маҳалла бюджети» тизимини солиқларни ундириш кўрсаткичи паст бўлган ҳар бир вилоятлардан биттадан туманда эксперимент тариқасида жорий этиш ҳамда унинг самарадорлиги, натижадорлиги ва тизимни барча туман (шаҳар)ларда жорий этиш юзасидан таклиф киритиш.	Ташкилий-ҳукукий чора-тадбирлар	2023 йил март	Ҳисоб-китобларга кўра	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ш. Кудбиев, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Б. Мусаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари	БАЖАРИЛГАН Топширик ижроси юзасидан вазирлик томонидан Вазирлар Маҳкамасига 2023 йил 31 мартдаги 28/4-04122-сонли хат билан амалга оширилган ишлар ҳамда таклифлар юборилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 декабрдаги “Маҳалла бюджети” тизимини жорий этиш орқали маҳаллаларнинг молиявий имкониятини янада кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-458-сонли қарорига асосан “Маҳалла бюджети” тизимини солиқларни ундириш кўрсаткичи паст бўлган ҳар бир вилоятлардан биттадан туманда эксперимент тариқасида жорий этилган.
27-мақсад: Иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларида 7 миллиард АҚШ доллариغا етказиш							
8	78. Энг йирик 10 та компания ва тижорат банкларининг акцияларини аҳоли учун очик ва шаффоф савдога чиқариш (IPO).	1. Акцияларини аҳоли учун очик ва шаффоф савдога чиқариш (IPO) учун энг йирик 10 та компания ва тижорат банкларининг рўйхатини шакллантириш. 2. Йирик 10 та компания ва тижорат банкларининг «IPO» жараёнидаги ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш. 3. «IPO»га тайёргарлик жараёни давомида келиб чиқадиغان зарур тадбирларни амалга ошириш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил давомда	Ҳисоб-китобларга кўра	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ш. Кудбиев	БАЖАРИЛМОҚДА. Акциялари аҳоли учун очик ва шаффоф савдога чиқарилиши (IPO) учун энг йирик 10 та корхона ва тижорат банкларининг рўйхати шакллантирилди ва “IPO” жараёнидаги ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди ва раҳбарият томонидан тасдиқланди. Жорий йилнинг 20 июнь санасида шакллантирилган рўйхат ва ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлигига ўрнатилган тартибда киритилди (20.06.2023 йилдаги 44/1-11201-сон хат).
29-мақсад: Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш							

9	94. Ёнилғи куйиш шаҳобчалари орқали реализация қилинган газ ҳажми ҳисобини масофадан онлайн юритиш тизимини жорий қилиш.	Ёнилғи куйиш шаҳобчаларида реализация қилинган газ ҳажмининг аниқ ҳисобини юритиш учун газ куйиш ускуналариға махсус дастурлаштирилган маҳсулотни жорий этиш ва уни Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлар базасига интеграция қилиш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил июнь	Ҳисоб-китобларға кўра	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ш. Кудбиев, Энергетика вазирлиги Ж. Мирзамахмудов	БАЖАРИЛГАН. Солиқ кўмитасининг 2022-йил 21-декабрдаги 406-сонли буйруғи ҳамда 2023-йил 23-мартдаги 7/2023-сонли шартномаға асосан “Автомобилларға газ куйиш шаҳобчалари фаолиятини назорат қилиш” ахборот тизими ишлаб чиқилган. Мазкур ахборот тизими ўрнатилган тартибда тест-синовидан ўтказилди: Тизим 3 та куйидаги қисмдан иборат: - Метан; - Пропан; - Бензин. Барча модулларда солиқ кўмитасининг “Солиқ тўловчиларнинг ягона реестри (539)” базаси орқали ушбу фаолият тури бўйича рўйхатдан ўтган барча юридик шахсларға тегишли бўлган маълумотлар акс еттирилган. Ушбу ахборот тизимнинг ишлаш мантиғи учун қўшимча маълумотлар ЕХФ ва Онлайн НКМ дастурий маҳсулларида интеграция қилинган. Бундан ташқари, “Ташки манба” дастуридан ушбу фаолият тури бўйича лицензия олган корхоналарнинг ва “Худудгазтаминот” АЖ билан тегишли маълумотлари интеграция қилинди ва акс эттирилди. Ёнилғи куйиш шаҳобчаларида реализация қилинган газ ҳажмининг аниқ ҳисобини юритиш учун газ куйиш ускуналариға махсус дастурлаштирилган маҳсулотни жорий этилганлиги ва уни Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлар базасига интеграция қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар вазирликнинг жорий йил 27 майдаги 28/2-09015 сонли хати билан Адлия вазирлиги, Ҳисоб палатаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасига юборилган.
10	96. Илғор тажрибалар асосида солиқ ва божхона маъмурчилигини тубдан ислоҳ қилиш.	Солиқ маъмурчилиги бўйича: Маълумотларни қайта ишлаш маркази ҳузурида барча солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкаларини юритишни марказлаштирган Бюджет билан муносабатларни бошқариш дирекциясини Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил давомида	Ҳисоб-китобларға кўра	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ш. Кудбиев, Коррупцияға қарши курашиш агентлиги А. Бурханов	БАЖАРИЛМОҚДА. Мазкур топшириқ бўйича Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ кўмитасининг Солиқ солиш методологияси департаменти Солиқ тўловчиларға хизмат кўрсатиш департаменти билан ҳамкорликда илғор тажрибалар асосида солиқ маъмурчилигини тубдан ислоҳ қилиш

		ва Солиқ кўмитасининг амалдаги штат бирликлари доирасида ташкил этиш; солиқларни ўз вақтида тўлаётган интизомли солиқ тўловчилар бўйича «Ишончли солиқ тўловчиси рейтинги»ни юритиш.					мақсадида солиқларни ўз вақтида тўлаётган интизомли солиқ тўловчилар бўйича «Ишончли солиқ тўловчиси рейтинги»ни юритиш бўйича, Вазирлар Маҳкамасининг «Ишончли тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш институти янада такомиллаштириш ва уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳаси (ИД-77076) ишлаб чиқилди..
11	97. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонунчиликни қайта кўриб чиқиш.	Бунда, тадбиркорлар учун қулай шароитлар яратиш, инвестиция киритиш фаолияти ва давлат-хусусий шериклик фаолияти ўртасидаги аниқ чегара ва мезонларни белгилаш назарда тутилади.	Ахборот хати	2023 йил май		Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ш. Кудбиев, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Л. Кудратов, Адлия вазирлиги А. Ташкулов	БАЖАРИЛГАН Мазкур топшириқ ижроси юзасидан департамент томонидан “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар (таққослаш жадвали илова қилинмоқда) ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамасига жорий йил 3 майдаги 33/2-06849 сон хати юборилди.
31-мақсад: Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислох қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш							
12	110. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича тушумларнинг бир қисмини туманларда суғориш хизматларини ривожлантириш, арик, зовур ва каналларни бетонлашга йўналтириш.	3. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ базаси ва меъёрларини, шунингдек, уни ҳисоблаш ва ундириш тизимини, шунингдек, хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш.	Таҳлилий маълумот	2023 йил апрель	Ҳисоб-китобларга кўра	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ш. Кудбиев, Сув хўжалиги вазирлиги Ш. Ҳамраев, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги А. Воитов	БАЖАРИЛГАН Топшириқ ижроси юзасидан таҳлилий маълумотлар вазирлиқнинг жорий йил 22 апрелдаги 28/4-05950 сонли хати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасига юборилган. Мазкур маълумотларга кўра Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни ҳисобланиши ва тўланиши бўйича халқаро тажрибалар таҳлилий маълумотлар тақдим қилинган.
13		4. Туманлардаги ирригация тизими каналлари, хўжаликлараро (фермерлараро) ва ички суғориш тармоқларини бетонлаш ҳамда улардаги сув хўжалиги иншоотларини таъмирлаш-тиклаш, янгиларини қуриш, бош сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш, сув хизматини ривожлантириш, шунингдек, коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш ишларини сув хизматини ривожлантириш ишларини амалга ошириш учун сув солиғи		2023 йил май			

		тизимини такомиллаштириш юзасидан таклиф тайёрлаш.					
33-мақсад: Ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш орқали ҳудудий иқтисодиётни 1,4 — 1,6 бараварга ошириш							
14	118. 2023 йилда аҳоли томонидан таклиф берилган сув, электр энергияси, йўл, мактаб каби йўналишлар, шунингдек маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш. Бунда, ажратилган маблағлар ва амалга оширилган ишлар юзасидан кенг жамоатчиликни хабардор қилиш.	«Очиқ бюджет» ахборот портали орқали 2023 йилда йўналтирилиши назарда тутилган маблағлар доирасида «Ташаббусли бюджет», «Менинг йўлим» ҳамда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини жамоатчилик фикри асосида шакллантириш. Аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида, маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш дастурини давом эттириш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил давомида	12 трлн сўм Давлат бюджети маблағлари	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ш. Кудбиев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари	БАЖАРИЛМОҚДА. Топшириқ ижроси юзасидан “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида лойиҳаларни шакллантириш жараёnlари ўтказиб келинмоқда. Жумладан, Ташаббусли бюджет жараёни 1-мавсуми доирасида фуқаролардан 55 мингдан ортиқ лойиҳалар келиб тушди ва 33 мингдан ортиғи овоз бериш босқичига ўтказилиб, жараён якунларига кўра 2 997 та лойиҳалар ғолиб деб топилди. Ҳозирга қадар ушбу мақсадларга ҳаммаси бўлиб 2,8 триллион сўм маблағлар йўналтирилиши таъминланди. Шунингдек, портал орқали “Менинг йўлим” лойиҳаси ўтказилиб, фуқаролар томонидан жами 10 317 та лойиҳалар шакллантирилди ва 8 миллиондан ортиқ овозлар берилди. Натижада, умумий қиймати 412 млрд сўми ташкил этган 517 та лойиҳалар ғолиб деб топилди. Бугунги кунга келиб, Ташаббусли бюджет жараёнининг жорий йилги 2-мавсумини июл ойидан бошлаб ўтказиш бўйича ташкилий ишлар амалга оширилмоқда. Бунга кўра, ушбу мавсум доирасида фуқаролар томонидан шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш учун туман ва шаҳар бюджетлари ҳисобидан 1,5 трлн сўмдан ортиқ маблағлар йўналтирилиши кутилмоқда.
15	120. Аҳоли учун янги уй-жойлар қуриш ҳажмини 1,6 бараварга ошириб, 90 мингга етказиш ва имтиёзли шартлар асосида ипотека кредитлари беришни давом эттириш.	1. Жойлардаги аҳолининг уй-жойга бўлган талабидан келиб чиқиб, янги уй-жойлар қуришни давом эттириш бўйича манзилли дастурларни шакллантириш ва тасдиқлаш. Бунда, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда, электр ва иссиқлик энергияси учун эҳтиёжнинг бир қисmini қоплашни назарда тутиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил апрель	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида тижорат банклари кредитлари, тадбиркорлик субъектлари маблағлари	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ш. Кудбиев, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Б. Закиров, Марказий банк М. Нурмуратов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,	БАЖАРИЛГАН. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 13 апрелдаги “2023 йилда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-51-сонли Фармони қабул қилинди. 2312 та фуқароларга 74 млрд. сўм ипотека кредитлари бўйича субсидиялар тўлаб берилди.

		2. 2022 йилда қуриш ишлари бошланган 29 та «Янги Ўзбекистон» массивларида уй-жойлар қурилишини давом эттириш. Шунингдек, 2023 йилда янгидан 8 та «Янги Ўзбекистон» массивларида уй-жойларни қуриш ишларини ташкил этиш. 3. Уй-жой сотиб олиш учун бошланғич тўлов ва ипотека кредитининг бир қисми қоплашга 1,1 трлн сўм миқдорида субсидиялар ажратиш. 4. Уй-жойлар қуриладиган массивларнинг ижтимоий инфратузилмаси ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини давлат бюджети ҳисобидан қурилишини таъминлаш.				вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари	Тижорат банклари томонидан тақдим этилган талабномалар бўйича субсидиялар тўлаб берилиши амалга оширилмоқда. “Янги Ўзбекистон” ва уй-жой массивларида ичимлик ва оқова сув ҳамда иссиқлик таъминоти тизимларини қуриш бўйича амалга ошириладиган лойиҳаларнинг манзилли рўйхати Вазирлар Маҳкамасининг 27 февралдаги 18/4-сонли Раёсат баёни билан тасдиқланди.
16	122. Аҳолининг уй-жой шароитларини янада яхшилаш учун жисмоний шахсларга ипотека кредити беришнинг замонавий бозор тизимини ривожлантириш.	Илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, «мақсадли ипотека омонати» механизмининг жорий қилиш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. Бунда, аҳолининг уй-жой сотиб олиш бўйича «мақсадли ипотека омонати»га йўналтириладиган маблағлар учун давлат томонидан рағбатлантирувчи меъёрлар назарда тутиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил декабрь	Ҳисоб-китобларга кўра Давлат бюджети маблағлари	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ш. Кудбнев, Марказий банк М. Нурмуратов	БАЖАРИЛМОҚДА. Уй-жой сотиб олиш учун узок муддатли мақсадли “ипотека омонатлари” бўйича халқаро тажриба (Россия, Қозоғистон, Германия, Франция) ўрганилиб, қарор лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Бунда Марказий банк ва етакчи тижорат банклари (Ипотека-банк АТИБ, Қишлоққурилишбанк АТБ) билан биргаликда ишлаш бўйича ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилди. 3-4-5 йиллик кесимда амалга ошириш бўйича ҳисоб-китоблар чиқилмоқда.
34-мақсад: Ҳудудларнинг муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тизимини ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш							
17	124. Давлат бюджетини шакллантиришда, шу жумладан, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастуридаги объектларни реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли рўйхатларни шакллантиришда фуқаролар иштирокини кенгайтириш.	Давлат бюджетини шакллантиришда, шу жумладан, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастуридаги объектларни реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли дастурларини шакллантиришда фуқароларнинг хабардорлиги ва фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирларини назарда	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил сентябрь		Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ш. Кудбнев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари	БАЖАРИЛМОҚДА. Манзилли рўйхатларни шакллантиришда фуқаролар иштирокини кенгайтириш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

		тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.					
54-мақсад: Пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш.							
18	178. Фуқароларнинг пенсия миқдорлари мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичларига мувофиқ изчил ошиб боришини таъминлаш.	Пенсионерга ҳисоблаб чиқариб қўйилган, лекин унинг томонидан ўз вақтида талаб қилиб олинмаган пенсиясини тўлаш муддатини 12 ойдан 24 ойга узайтириш.	Қонун лойиҳаси	2023 йил июль	15,2 млрд сўм Пенсия жамғармаси маблағлари	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ш. Кудбиев, Пенсия жамғармаси А. Хайдаров	БАЖАРИЛГАН. Белгиланган вазифа асосида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиб, келишиш учун 2023 йилнинг 15 март куни Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими (project.gov.uz (ID-77585 V-1)) орқали Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига юборилди ва 2023 йил 3 апрель куни эътирозларсиз келишилди. Қонуни лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун 2023 йилнинг 14 апрель куни Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими (project.gov.uz (ID-77585 V-4)) орқали Адлия вазирлигига киритилди ҳамда 2023 йил 20 апрелда 8/1-0234 Адлия вазирлигининг ижобий хулосаси олинди. Лойиҳа ўрнатилган тартибда жорий йил 26 апрелда вазирликнинг 05-06080 сонли хати билан Вазирлар Маҳкамасига киритилди.
VI. МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА УМУМБАШАРИЙ МУАММОЛАРГА ЁНДАШИШ							
85-мақсад: Мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида 2 бараварга қисқартириш							
19	263. Ҳоким ёрдамчиларининг камбағалликни қисқартириш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш.	1. Ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчисининг бевосита «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» АТда рўйхатга олинган оилалар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш. 2. «Онлайн маҳалла» платформасини «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» АТ билан интеграция қилиш. 3. «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» АТ билан қўшимча маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил сентябрь	Ҳисоб-китобларга кўра	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ш. Кудбиев, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Б. Мусаев, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси	БАЖАРИЛМОҚДА. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 июндаги “Маҳаллаларда ижтимоий хизматларни кўрсатиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам бериш тизимини янги босқичга кўтариш ҳамда хотин-қизларни касбга ўргатиш ишларини янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-300-сон қарори қабул қилинди мазкур қарорга асосан оилалар билан ишлаш тизими йўлга қўйилди. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” АТ ва “Онлайн маҳалла” платформаси интеграция қилиниб, ўзаро маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилган.

							“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” АТ ни янги маълумотлар базаларига боғлаш орқали янада такомиллаштириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.
20	264. Аҳолининг камбағаллик ҳолатидан чиқиши учун мотивация бериш, тақдим этиладиган молиявий ва номолиявий ёрдам ҳамда хизматларнинг натижадорлигини ошириш, шунингдек, томонларнинг мажбуриятларини белгилаш мақсадида «ижтимоий шартнома» механизмини амалиётга жорий этиш.	1. «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» АТ орқали болалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчи оилаларга масъулият белгилаш учун «ижтимоий шартнома» тизимини жорий этиш.	Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил апрель	Ҳисоб-китобларга кўра	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ш. Кудбиев, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Б. Мусоев, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси	БАЖАРИЛДИ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги ПФ-175-сон Фармони билан тасдиқланган Ўл ҳаритасининг 13-банди ижросини таъминлаш мақсадида 2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ижтимоий ёрдамларини тақдим этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида тўғрисида”ги қарори лойиҳаси (ID-68841) ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган қарор лойиҳаси (project.gov.uz орқали) 18 та вазирлик ва идоралар билан келишилган ва жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган. Адлия вазирлигининг 30.11.2022 йилдаги 8/3-0986-сон хуқуқий ҳулосасига асосан, 30.11.2022 йилда 05/24-31/1160-сон хат билан Вазирлар Маҳкамасига киритилган. Қарор лойиҳаси келишиш учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан 21.12.2022 йилдаги 02/68841/1-1934-сон хат билан Президент Администрациясига киритилган. Маълумот учун. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги ПФ-27-сон Фармони билан тасдиқланган Давлат дастурининг 264-банди “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимидан назоратдан олинган. Қарор лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 21 декабрдаги ПФ – 269-сон Фармони талабларидан келиб чиққан ҳолда Президент Администрацияси билан ишчи тартибда қайта ишланди.
21		2. «Ижтимоий шартнома» шартларининг бажарилишини мониторинг қилиб бориш.		Доимий асосда			БАЖАРИЛМОҚДА. Қарор лойиҳасида «Ижтимоий шартнома» бажарилишини мониторинг

							қилиш тартиби белгиланган бўлиб, «Ижтимоий шартнома» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилингандан сўнг, дастур томонидан автоматик равишда ахборот тизими орқали мониторинг амалга оширилади.
--	--	--	--	--	--	--	--